МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

М.В.ХАЛИМОВА, Ҳ.ҲУСАИНОВА

Мақолада мустақил таълим жараёнида умумий тафаккур динамикасига таъсир этувчи интерфаол методлари сараланган. Мавзуга тааллуқли илмий-назарий ва амалий маълумотлар умумлаштирилиб, тизимлаштириб таҳлил қилинди. Талабалар ўқув фаолиятида тафаккур жараёнининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш усуллари келтирилган.

Калит сўзлар: *мустақил таълим, мустақил фикр, тафаккур, феномен, фаолият, идрок, доклад, реферат, шахс.*

В статье представлены интерактивные методы, влияющие на общую динамику мышления во время самостоятельного обучения. Изучены и сравнены научно-теоретическая и методико-практическая информация, касающийся данной проблемы. Приведены методы выявления факторов, влияющих развитие мышления студентов в процессе учебной деятельности.

Ключевые слова: *самостоятельное обучение, мышление, феномен, деятельность, разум, доклад, реферат, личность.*

The article represents the principles of the interactive method, influencing on the general dynamics of thinking during the independent work. The author seems to have studied the and compared the scientific and theoretical as well as methodological and practical information dealing with the above mentioned problem. The author tried to find out factors influencing on the process of thinking of the students as well as on the academic process.

Key words: *self-study, independent thought, thinking, phenomenon, intelligemce, dynamics, mechanism.*

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёшларга таълим ва тарбия беришга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Ёшлар бизнинг келажагимиз, ниҳолнинг меваси қандай бўлиши эса ҳозирги кундаги парваришимизга боғлиқ. Таълим-тарбия жамият тараққиётининг асосидир. Чунки инсон жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради. Фан-техника ва ахборотдаги революция инсон, унинг илмий-маърифий потенциалини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айлантирди. Келажакда эришишимиз лозим бўлган буюк мақсадларга етишиш учун энг аввало юқори малакали, замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашимиз керак.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратсак: “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”[1.23].

Мустақил фикрлаш – соғлом маънавиятнинг мезонидир. Мустақил фикрлаш шахснинг шундай қобилиятики, у туфайли одам нарса ва ҳодисалар хусусида ўз қараши ва ностандарт ечимларига эга бўлади. Мустақил фикр инсоннинг нарса ва ҳодисалар, жамиятда рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳияти хусусида ўз қарашлари бўлишини тақозо этади, унинг билиш ва англаш имониятлари чегарасини кенгайтиради. Давлатимиз таълим соҳасида юритаётган сиёсатнинг бош йўналишларидан бири ҳам теран фикрловчи, ўз мустақил дунёқарашига эга бўлган иқтидорли шахсларни камол топтириш ва тарбиялашдир. Чунки шундай авлодгина юртимизнинг порлоқ келажагини таъминлайди, аксинча, ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли бидъатлар ва ёт мафкурага эргашиш психологияси жамият маънавиятини таназзулга олиб келиши шубҳасиз.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларнинг бир қисми ўқув фаолиятини ташкил қилишда кўзда тутилган ва ҳар бир талабанинг бажариши шарт бўлса, иккинчи қисми ихтиёрий, яъни уни талабалар ўз ҳоҳишлари билан амалга оширишлари лозим:

- биринчи гуруҳга адабиётларни конспект қилиш, семинар дарсларига тайёрланиш, курс иши ёзиш ва бошқа шунга ўхшашлар киритилса;

- иккинчи гуруҳ эса реферат ёзиш, илмий доклад ёзиш, илмий тўгаракларда қатнашиш кабиларни ўз ичига олади.

Талаба вақт бюджетида тобора ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтининг самарали бўлишини таъминлашда икки нарса диққат марказида туриши керак:

а) мустақил иш ўқишнинг, ақлий меҳнатининг алоҳида тури;

б) мустақил ишни бажариш катта аҳамиятга эга.

Келажакда мустақил таълимнинг аҳамияти яна ҳам ортиб боради. Сабаби, у талабанинг малакали

мутахассис сифатида шаклланишида жуда муҳим роль ўйнайди. Зеро, ҳозирги тезкор ривожланиш шароитида ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади. Иккинчи ёқдан, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти бугунги талаба ўз мутахассислиги бўйича иш бошлаганидан кейин ҳам мунтазам ўз устида ишлаб боришини тақозо этадики, бусиз у рақобатга дош беролмайди – кераксиз бўлиб қолади. Яъни ўқиш даврида мустақил таълимнинг йўлга қўйилиши талабани кейинги фаолиятга тайёрлаш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг энг муҳим хусусияти шуки, у талабанинг ўзи томонидан мустақил равишда ташкил этилади. Шунинг учун талабага уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашга ёрдам бериш лозим.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, уни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қила билиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқишнинг бошқа шаклларига ўхшаб умумий тамойиллар мавжуд. Мустақил ишни шулар асосида ташкил қилиш керак.

Мустақил ишни ташкил этишда, энг аввало, оддий бир нарсага аҳамият бериш лозим. Бундай қараганда буни ҳамма билади, лекин кўпчилик унга амал қилмайди. Шунинг учун мустақил ишни ташкил этишнинг оддий элементар принципларини ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараённи тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба ўзининг мустақил ишини ташкил этишни нимадан бошлаш керак? Қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилади? – каби масалалар ечимини аниқ кўз олдига келтира олиши керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани бу иш ташкил этилди дегани эмас. Зеро, мустақил ишни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун талабадан сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаш талаб этилади. Шу боис ҳам бу ишга онгли равишда ёндашиш, ўзининг мустақил ишини оқилона режалаштириш ва амалга ошириш, бу замон талабига мос рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим шарти эканлигини англаш муҳимдир.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ўқув жараёнида қатъий изчиллик ва кетма-кетлик мавжуд. Аудиторияда семинар, амалий машғулот, лабораторияда олган билимининг пухта бўлиши учун доимо уларга тайёрланиш керак. Бугунги маърузани яхши тушуниш ва ўзлаштириш учун авалги мавзу устида ишлаш лозим. Масалани назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштирмай туриб уни ечиш, амалда унинг қандай намоён бўлишини тушуниш қийин. Ҳар қандай предметни мунтазам равишда ўрганибгина ўзлаштириш мумкин. Яхши ўқиш, мустақил ижодкор мутахассис бўлиш учун талаба ҳар куни мунтазам ўз устида ишлаши керак.

Ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишларни қандай, қай тартибда бажаришни ҳар қандай меҳнатни, вақтни режалаштиргандай режалаштириш керак.

Ҳар бир талаба индивидуал тарзда умумий вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши лозим. Фанлар бўйича ажратилган вақт талабанинг дарсга тайёрланиши, ўқув режаси бўйича фанни мувафаққиятли ўзлаштиришига етарли бўлишини кўзда тутади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қандай ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар. Ўзлаштириш бўйича ҳатто бутун факультет муваффақиятини ҳам кўп жиҳатдан талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режалаштириши, уни бажариши билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан ҳоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғининг ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди. Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказилган вақтни ҳисобга олиши керак. Агар аудитория дарслари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса, мос равишда кўпроқ ва агарда кўп бўлса, мос равишда камроқ режалаштириш керак. Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда турлича бўлиши мумкин. Бир талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай, предметни ўрганишга илҳом билан киришиб кетади. Учинчисининг эса умуман дарс тайёрлагиси келмайди. Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

3. Мустақил ишни ташкил қилишнинг иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар

бўйича тақсимлаш уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қоидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса, семестр якунига яқин семестр давомида қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда, талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан: доклад, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланиш ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижани бермайди.

Мустақил таълим ўз мазмун-моҳиятига кўра талабаларнинг фаоллигини ошириш имкониятини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу масала педагогик изланишларнинг муҳим бир йўналишини ташкил этиб, турли аспектларда чуқур ва атрофлича тадқиқ этилмоқда. Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг замонавий талқинини асослаш ва таълимдаги аҳамиятини очиб бериш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. Зеро, ҳозирги замоннинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб таълимга, бугунги кун мутахассисига қўйилаётган талаблар мустақил таълимни кадрлар тайёрлашнинг зарурий ва муҳим узвига айлантиргани шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Жалилова С. Психодиагностика.- Т., 2000.
3. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси.- Т., 1990
4. Ғозиев Э., Тошимов Р. Психодиагностика ва амалий психология.- Т., 2004
5. www.pedagog.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.google.ru

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)